

УДК: 894.375. (092).

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига

ИЖОД ЖАРАЁНИ ВА ИЖОДКОР МАСЪУЛИЯТИ

Ҳ.Жўраев

Аннотация

Мақолада ижодий жараёнга муносабат ҳамда ижодкорнинг сўз санъати олдидаги масъулияти ҳақида сўз боради.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы творческого процесса и ответственности литератора.

Annotation

This article points out the issues of creating process and the responsibility of a literary man.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий давр, адабий муҳит, бадиий ижод, ижодий жараён, ижодкор масъулияти.

Ключевые слова и выражения: исторический период, литературная среда, художественное творчество, творческий процесс, ответственность литератора.

Key words and word expressions: historical period, literary climate, verbal creativity, creating process, a literary man's responsibility.

Бугунги кунда халқимизнинг асрий маънавий қадриятларини тиклаш, узоқ ва яқин тарихдаги маданий-адабий меросни мустақиллик мафкураси асосида холис ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Истиқлол шароитида ўзбек халқи учун ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, бадиий тафаккур тараққиётида ўзига хос ўрин тутган, бой ижодий мероси билан элимиз шаънини оламга танитган буюк сиймолар меросини ўрганиш ҳам шу қадар долзарб умумэстетик аҳамият касб этмоқда. Чунки “мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ажодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди” [1.137].

Манбаларнинг хабар беришича, Ўрта асрларда, айниқса, Навоий даврида – ўзбек мумтоз адабиётининг таркибий қисми бўлган Ҳирот адабий муҳитида етук сўз санъаткорлари қаторида ўзини моҳир соҳиби қалам ҳисоблайдиган, шоирликка даъвогарлар ҳам кўпчиликни ташкил этган [5.159]. Аммо бундай кимсаларнинг ўз қобилиятига ортиқча баҳо бериш, кибр ва манманликка берилиш ҳолатларини Алишер Навоий “Ҳайрат-ул аброр” достони муқаддимасида кескин танқид қилади:

**Таъб кажу, барча тақаллумнамой,
Нағма чабу, барча тараннумсарой.
Англамайин сўзда туюқ баҳрини,
Қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини.
Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию, адо нодуруст...** [3.24].

Навоий шу тарзда айрим замондошларининг аввало шоирликка қобилияти, истеъдоди бўлмаган ҳолда бу майдонда бекорга уринишини, сўнгра уларнинг билимсизлигини, ёзган нарсасининг на бадиий томони ва на мазмунига эътибор беришини, ўз ҳунарини жиддий ўрганиш ўрнига мақтанчоқлик йўлига кириб кетганларини кескин қоралади.

“Ўзи поку, юзи поку, сўзи пок”лик шиорига умр бўйи амал қилган Алишер Навоий ўзига замондош бўлган ҳар бир ижодкорнинг маънавий-ахлоқий фазилатларига катта эътибор берди. Сўз санъаткорлигига даъвогар, аммо ахлоқан тубан, маънавий қашшоқ кимсаларни аямай танқид остига олди. Иккиюзламачилик, ялқовлик, баднафслик, кибрлилик, ичиқоралик сингари иллатларга эга бўлган шоирлар Навоийнинг адолатли танқидларига, аччиқ танбеҳларига дучор бўлдилар.

“Мажолис-ун нафоис”да муаллиф ана шундай кимсаларнинг хулқ-атворини бир неча жумлада ёки бир оғиз сўз билан ифодалайди. Масалан, Аёзий деган шоирнинг ўз устида ишламаслиги, ижодий янгилик яратишга интилмаслиги, натижада

Ҳ.Жўраев – ФарДУ, филология фанлари доктори.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

унинг шеърлари шаклан ғариб, мазмунан сийқаси чиққан тизмалардан иборат эканлигини қуйидаги лавҳада баён этади: “Мавлоно Аёзий ғариб шаклик киши эрди. Атвори ҳам, сўзи ҳам, хоҳ назм, хоҳ наср, ғариб эди. Фақир (яъни Навоий) бир мажлисда Пулимолонда ани кўрдим. Бир анжуманда бир қасидани ўқир эрди. Ҳар байт бунёда қилса сўз услубин, қофиясин айтаберар эрдим. Бағоят ҳайрат қилди. Уч йилдан сўнгра Боғи сафедда яна бир мажлисда биайниҳи ушмундоқ воқе бўлди. Ул яна ҳайрат қилди. Бурунги мажлис аҳлидин бу мажлисда ҳам неча киши бор эрди. Андин сўрдиларким, ҳаргиз бу навъ киши кўрубмисен? Чун кўзида заъф бор эрди (кўзи хира эди), деди: “Кўрмаймен, магар уч йил аввал Пулимолонда бир йигит кўрдим. У дағи бу навъ шўбадабозлик қилди (мени кулгига қўйди). Мажлис аҳли кулишдилар.” [4.169-177].

Бундай ҳодисанинг рўй беришига сабаб, бир томондан, Навоийнинг билимдонлиги, зийраклиги, тез фаҳмлилиги бўлса, иккинчи томондан, Аёзий шеърида оригиналлик йўқлиги, чайналган қофияларни ишлатиши бўлган.

Навоий, шунингдек, “Мажолис-ун нафоис”да шеър ўғриси *Мавлоно Нарғисий* ҳақида ёзади: “Қайдаким жузъий ранг ва маъни кўрса тасарруф қилурға одат қилибтур”.

Ўзи ўта захматкаш бўлган Навоий ижодий меҳнатни қадрлайди, унингча, илгари яратилган адабий меросни синчиклаб ўқиш, ўзлаштиришдан, турмушни, воқеликни ўрганишдан, мунтазам равишда машқ қилиш, ёзишдан, янгилик қидиришдан ҳақиқий ижодий меҳнат юзага келади. Навоийнинг бундай нуқтаи назари, айниқса, Осафий таҳаллусли шоир ҳақидаги мулоҳазаларида яққол кўзга ташланади. Навоий Осафийнинг нуқсонлари ва уларнинг оқибатлари ҳақида шундай ёзади: “Аммо не таъбин ишга буюрур, не ҳофизасин. Ятимвашлик ва раъносифотлик (ўзига бино қўйиш) ва худоройлик (ўзига зеб бериш) билан авқотин (вақтини) зоеъ қилур. Бу нав ғариб сифоти кўпдурким, айтса сўз узалур. Мутлақо пандпазир эрмас. Бу жиҳатдин бағоят паришондур”.

Демак, Навоий Осафийнинг биринчи камчилиги қилиб, унинг ўз устида ишламаслигини, муттасил шеър машқ қилиш, истеъдодини чархлаш устида ғам емаслигини кўрсатади. Шоир ўз устида ишламаса, кўп ўқимаса, мустаҳкам билимга, юқори савияга эга бўлмаса, ўз талантини муқаррар зое қилишини Навоий жуда яхши билган. Шунингдек, Навоий Осафийга ўхшаш ялқов ва

беғам, ўз талантини камолга етказишни ўйламайдиган Мавлоно Қанбарий, Мавлоно Зайний, Шоҳи қули Уйғур, Соқий ва бошқаларни ҳам аяб ўтирмайди. Уларнинг зое бўлаётган истеъдодига ачинади, уларни қийиҳи, хатоларини тузатишларига умид боғлайди.

Осафий ва унга ўхшаганларнинг яна бир катта нуқсони – бу, уларнинг “пандпазир” эмаслиги, яъни танқидга бутунлай бепарво қараши, ундан тўғри хулоса чиқара олмаслигидир. Навоий “Мажолис-ун нафоис”да Мавлоно Хусравий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Хуррабий ва бошқаларни ҳам танқидни тўғри қабул қилмасликлари, ўз билганларидан қолмасликлари учун танқид остига олган. Масалан, *Мавлоно Хусравий* ҳақида “даъволик бузург маниш (ўзини баланд баҳоловчи) ва тунд хўй (кўрс) киши эрди ва менинг қошимга баъзан шеър келтурса эрди, бурунроқ андоқ калом сурар эрдиким, дахл қилмоқ йўли боғланур эрди. Заруратан барча шеърин таҳсин қилмоқ (мақтамоқ) керак эрди”, деб ёзади.

Мавлоно Кавсарий деган кимса эса шеър ёзишга қобилияти, имконияти бўлишига қарамасдан бу иш билан изчил шуғулланмаган, ҳушига келгандагина шеър машқ қилган. Навоий унинг тўғрисида шундай ёзади: “Мавлоно Кавсарий ҳиротликдур. Кичикликдин бери таъбида назм айтур қобилияти бор, аммо машғуллик қилмас.”

Мавлоно Садр Котибий эса ичкиликка муккасидан кетиб, ижодий ишни барбод қилгани, истеъдоди увол кетгани учун Навоий чуқур афсусланади: “Чоғир (ичкилик) ани андоқ мағлуб қилиб эрдиким, ихтиёри ҳеч ишта йўқ эрди”, дейилади “Мажолис-ун нафоис”да.

Тазкира муаллифи баъзи шоирларнинг хасислиги, кўполлиги, ўзларини ифлос ва беўхшов тутишларини баён этади. Ана шундай нуқсонлар уларнинг ноёб истеъдодларига соя солаётганидан хафа бўлади. Алишер Навоий, айниқса, таъмагирликнинг душмани эди. Бу борада унинг *Мавлоно Соҳиб Балхий* ҳақидаги қайдлари қизиқарлидир. Маълум бўлишича, Соҳиб Балхий зукко шоир, истеъдодли бастакор бўлган. Ўз шеърларига басталаган куйлари одамлар орасида шуҳрат қозонган. Аммо хулқидаги ўта тамагирлик уни эл назаридан қолдирган. Шунга ўхшаш мисол ва намуналарни “Мажолис-ун нафоис”дан яна талайгинасини келтириш мумкин.

Афсуски, шоирнинг бевосита шогирдлари ва тарбияланувчилари орасида

ҳам баркамолликка интилмаганлар, эзгу умидларни оқламаганлар талайгина эди. Улардан бири Султон Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли Бадиуззамон бўлиб, Навоий ҳазратлари унга ўз фарзандидек меҳр қўйган эди. Улуғ мутафаккир мазкур шахзода тимсолида салтанатнинг адолатли ворисини тасаввур қилар, бадиий ижоддаги ҳар бир муваффақиятли қадамини рағбатлантиришга уринарди. Аммо Бадиуззамонни нафис мажлислар - адабий суҳбатлардан кўра узлуксиз айш-ишратлар, май базмлари кўпроқ ўзига ром этарди. “Замоний” тахаллуси билан адабиёт муҳибларига ҳам танилиб қолган бу зот куюнчақ мураббийси бўлган Навоийдан кўра тил тагида тиғ, шарбат замирида заҳар асраган кимсаларга кўпроқ ишона ва суяна борди. Унинг қариндоши бўлган Бобур киноя билан ёзганидек, у жанг майдонининг моҳир саркардаси ёки соҳир қалам соҳибига эмас, анвои дастурхоннинг меҳмоннавоз мулозимига айланди.

Навоийнинг назари тушган яна бир зот Камолитдин Биноий катта иқтидор соҳиби, ҳассос ва зуллисонайн шоир эди. Аммо иродаси сузлиги, қатъият етишмаслиги оқибатида бирор соҳада тўла камолотга эриша олмади. Табиатидаги ана шу қусур уни умр бўйи тарк этмади. Бу жиҳатдан “Мажолис-ун нафоис”да Мавлоно Биноийга ажратилган ўринлар ғоят характерлидир. Маълум бўлишича, Биноий “Муажжиб ва мутасаввурлиғидин эл кўнглига маъқул бўлмади. Бу сифат салби учун фақр тариқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортди. Чун пири йўқ эрди. Ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади. Эл таън ва ташниъидин Ҳирида тура олмади, Ироққа борди, андин дағи ушбу рангда овозалар юборди”. Дарҳақиқат, у гоҳ Ҳусайн Бойқаро, гоҳида туркман ҳукмдори Ёқуббек ҳузурида мулозаматда бўлди. Кейинроқ, Бобур ва

Шайбонийхон ўртасида қонли низолар бошланганида баъзан Бобур тарафида бўлиб, унга қасидалар бағишлади, баъзида Шайбонийхонга қуллуқ қилиб, унинг мадҳида дostonлар битди. Аҳдида собит эмаслиги, қатъиятсизлиги умрининг ноқис ва ночорликда поёнига етишига сабаб бўлди.

Мавлоно Ҳасаншоҳ таъбидаги ҳажв ва ҳазилга мойиллиги, ҳозиржавоблиги билан Навоий эътиборини қозонган эди. Аммо икир-чикирларга ўралашиб юриши туфайли унинг ноёб истеъдодини занг босди. Енгил-елпи яшашга ўрганганлиги, муҳим масалаларда жиддий бўлолмаслиги ўз устида кунт билан ишлашига монелик қилди. Тарихий манбаларнинг шаҳодат беришича, Навоий уни тўғри йўлга солиш илинжида жисмоний жазо беришгача борган. Афсуски, у улуғ мураббий ва беминнат ҳомийсининг қадрига етмади. Натижада истеъдодининг ғунчалари очилмасдан қовжиради. Масъулиятсизлиги, лоқайдлиги туфайли яна бир нодир истеъдод тарихнинг ғуборли сўқмоқларида изсиз йўқолди. Алишер Навоий чуқур таассуф ва надомат билан:

**Нокасу ножинс авлодин киши
бўлсун дебон,**

**Чекма меҳнатким, латиф ўлмас
касофат олами.**

**Ким кучук бирла хўтукка неча
қилсанг тарбият**

**Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар
асло одами,**

деб ёзганида ана шундай нотавон кимсаларни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ бобокалонимизнинг ижод аҳлига қарата бундан беш аср муқаддам айтган ўғит ва танбеҳлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Қаямов А. Алишер Навоий ижодининг жаҳоншумул аҳамияти. (Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: Ўзбекистон 2011.
3. Алишер Навоий. Ҳайрат-ул аброр. – Т.: Фан, 1991.
4. Алишер Навоий. Асарлар. XV жилдлик. 12-жилд. – Т.: Фан, 1967.
5. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1989.

(Тақризчи: А.Сабирдинов, филология фанлари доктори).